



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1998 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 119 (9.157)

1998 йил

9 октябрь, жума

Сотувда эркин нархда

«Файз» холдинг-компаниясида ишлаб чиқарилаётган замонавий ва жаҳон андозалари даражасидаги мебель маҳсулотлари бугун ўзининг сифати ва рақобатбардорлиги билан харидорлар эътиборини қозонмоқда.

Пойтахтимизда кетма-кет уй тўйларини нишонлаётган хонадон соҳиблари ҳам ўз уйларида ушбу корхонанинг кўркам ва бежирим маҳсулотлари билан безатишмоқда. Чунки хорижий етакчи ком-

паниялари билан ҳамкорлик асосида иш юртиш ўз самарасини бермоқда.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Мустақиллик байрами кунларида эса холдинг-компанияда яна бир янги кўшма корхона фаолият кўрсата бошлади. Бунинг натижасида 60 нафар киши иш билан

таъминланди. Бирлашган Араб Амирликлари мамлакати билан ўзаро ҳамкорлик асосида ву-

Ҳамкорлик

ланган. Ҳозирда ушбу янги жамоа мебелсозлари ҳар ойда 1000 донадан юмшоқ мебеллар туркуми ҳамда уларни тайёрлашда ишлатилган матолар ишлаб чиқаришмоқда.


Замонавий технология асосида ишлаб чиқарилаётган бу юмшоқ мебеллар тўплами жаҳон андозалари талаблари даражасидаги билан ажралиб туради. Шу туфайли ҳам уларни хориж давлатларига экспорт қилиш ҳам кўзда тутилган.

Шоира ИСАЕВА.



Тошкент китоб-журнал фабрикаси ишчи-хизматчилари ҳамиша изланишда меҳнат қилишмоқда. Улар сифатли маҳсулотлар яратиш йўлида мавжуд дастхонлардан унумли фойдаланишмоқда.

СУРАТДА: сакчалаш шохобчасида иш ҳамжиҳатлигида олиб борилмоқда.



«Фотон» ҳиссдорлик жамиятида янги ва сифатли маҳсулотлар тайёрлаш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

СУРАТДА: телевизор йиғувчи Рамил Валитов ҳамда соловчи Алексей Водякин иш устида.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Республикада олиб борилаётган ислохотлар жараёнида қучли ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилишига, хусусан, соғлиқни сақлашга ҳам қатъи эътибор бериб келинмоқда. Туманларда аҳолига намунали хизмат кўрсатувчи турли шифо масканлари фойдаланишига топшириляпти. Юнусов туманида мана шундай масканлардан бири — 4-сигарта қарши диспансер ўз фаолиятини бошлади.

— Шахримизда тиббиёт муассасаларини таъмирлаш ҳамда улар-

ни етарли миқдорда турли хилдаги дори-дармонлар билан таъминлаш мақсадида 1,5 миллиард сўм миқдорида маблағ

тин фойдаланишга топширилмоқда. Бугунги кунда туманда ижтимоий соҳага кенг аҳамият берилаётганлигини яққол

Эл соғлиғи йўлида

ЯНА БИР ШИФО МАСКАНИ

ажратилди, — деди Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров. — Ун еттига шифо масканининг қайта тўла таъмирдан чиқарилиши кўзланган. Ана шундай тиббиёт муассасаларидан дастлабкилари бирин-ке-

сешиш мумкин. Диспансернинг ишга туширилиши инсон соғлиғини сақлаш йўлидаги яна бир ғамжўриқдир.

Диспансернинг фойдаланишга топширилиши маросимида шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқар-

маси бошлиғи Малика Зияева, шаҳар фтизиатри, шаҳар силга қарши диспансерининг бош шифокори Хурсаной Исмаилов ва ҳамда туман ҳокими Шукриддин Пахрутдиновлар ҳам бу масканнинг афзалликлари, беморларга яратилган қулайликларини таъкидлаб ўтдилар.

4-силга қарши диспансерда хасталикни аниқлаш ва уни даволаш ишлари малакали тиббиёт ходимлари томонидан олиб борилади. Кундузги шифохонада ҳам беморга хизмат кўрсатиш мумкин.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.



ЁШ ТЕННИСЧИЛАРНИНГ МАҲОРАТ КЎРИГИ

Кейинги пайтларда республикада ёш теннисчиларнинг халқаро майдондаги ғалабалари мамлакатимиз спорт ишқибозларини беҳад қувонтирмоқда. Бунга кўп жиҳатдан спортчиларимизнинг нуфузли халқаро беллашуларда тез-тез иштирок этиб, ўз тажрибаларини оширишлари сабаб бўлмоқда.

Шахримиздаги «Пахтакор» теннис кортлари, «Камолот» жамоарамининг спорт-соғломлаштириш мажмуаси, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг спорт базасида Ўзбекистон Олимпия қўшунлари ва кизлар ўртасидаги теннис бўлими аъёнанинг халқаро очик турнири ҳам бу борда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир йил ичида ёш теннисчиларимиз эришган ютуқларини сарҳисоб қилиш, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ўрнатish мақсадида ўтказилаётган ушбу турнирнинг мавқеи йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Бу гал Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Тошкент шаҳар теннис федерацияси, И. Охунбоев номи Тошкент шаҳар спорт уйлари олий маҳорат мактаби, «Пахтакор» теннис клуби ташаббуси билан ўтказилаёт-

ган ушбу турнирнинг асосий беллашуларидан Санкт-Петербург, Москва шаҳри ва вилояти, Красноярск, Алмати, Бишкек, Ўш, Ашгабат шаҳрлари, Андижон, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларидан келган 300 дан ортиқ энг кучли ёш спортчилар иштирок этишмоқда. Шуниси қувонарлики, 1980—81, 82—83, 84—85, 86—87 йилларда тузилган кизлар ва ўсмирлар иштирокидаги мусобақаларнинг деярли барча ёш тоифаларидаги ярим финалларда шаҳримиз ёш теннисчилари беллашди.

КЕЧА

турнир доирасида бир неча қизқарлик баҳслар бўлиб ўтди.

Жумладан, 1982—83 йилларда тузилган ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда ҳамшаҳримиз Маҳмуд Охунбоев яна бир тошкентлик спортчи Темур Облаевни енгиб, финалга йўللаниб олди. 1986—87 йилларда тузилган-

БУГУН
«Пахтакор» теннис кортларида яқин беллашуларда туртки ёш тоифаси бўйича финал ўрашувлари бўлиб ўтди.

ЭРТАГА
жувонлиқлар баҳсларидан сўнг халқаро мусобақалар якунланади.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

МУШТАРИЙЛАР ӨЗ КЎП ЙИЛЛИК СУҲБАТДОШ

• Ойниса АМИНОВА,
«Замондош» маданият уйи раҳбари:
— Бугунги кунда радио ва телевидениенинг таъсирчанлиги кучли деб тушунамиз. Аммо мен кундулик турмушимизни фаол ўрганишда ва ўргатишда матбуотнинг роли ўзгача деб биламан. Чунки бир лаҳзада айтиб ўтилган фикрни илғаб олиш қийин, аммо газеталарда ҳар қандай мулоҳазаларни қайта-қайта ўқиб, ўрганиш мумкин.

Биз жамоамиз билан «Тошкент оқшом» газетасини қузиб, унда чоп этилаётган маънавият, маърифат ва иқтисодиётимизга оид мақолаларни ўқиб, таҳлил этами. Маданият уйимиз жой олган Муқимий маҳалласидагилар билан ўзаро мулоқот ва суҳбатлар ўтказиб турамыз. Бу маҳаллада 3500 нафар аҳоли иқтидор қилади. Яъни 630 та оиланинг фарзандларидан бири бўлмаса бири маданият уйига қайсидир машғулота қатнайди. Ташриф буюрган маҳалламиз аҳли, албатта газеталарнинг таҳлиллари билан қизиқиб, улардаги айрим мақолаларни муҳокама этишади.

Мана яқинда йўлбошчимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби; Афғонистонда бўлаётган воқеалар хусусида республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази шаҳар бўлимининг маърузачиси Ҳамиджон Ҳакимов иштирокида савол-жавоб тарзида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унинг баён этган фикрлари барчага маъқул келиб, иштирокчиларнинг қўнчилиги яна газетамга ёзилди, кўпроқ китоб мутолаа қилиб туршиши тавсия этилди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, севимли газетамиз «Тошкент оқшом»га маданият уйи ва маҳалла учун 1999 йилга обуна бўлди. «Оқшом» бизга кўп йиллик ҳамроҳ, дўст бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Гулбаҳор МУМИНОВА.

ДАВЛАТ ТИЛИ — АМАЛДА

КЕЧА

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Топонимия комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Топонимия комиссиясининг аъзолари, туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари иштирок этдилар.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги «Давлат тили тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг амалга оширилишини таъминлаш Давлат дастури ҳақидаги 311—сонли қарори ҳамда шаҳар ҳокимлигининг ушбу қарор ижросига оид 1996 йил 8 октябрдаги 301—сонли қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаёт-

ганишлар хусусида маълумот бериб, 21 октябрь кунги Давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул қилинганлигининг 9 йиллиги муносабати билан олий ўқув юртиларида, ўрта махсус хунар-техника билим юртиларида, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида турли тадбирлар, анжуманлар, хусусан кўрик-танловлар ўтказиш ҳақида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, йиғилишда кун тартибига қўйилган Тошкент шаҳар ҳокимининг 1998 йил 3 сентябрдаги «Баъзи жой номларини ўзгартириш тўғрисида»ги 313—сонли қарори ижросининг таъминлишини ҳақида Топонимия комиссиясининг масъул котиби Эргаш Исмаиловнинг ахбороти тингланб, республика Топонимия комиссиясига тавсия этиладиган шахс номлари кўриб чиқилиб, муҳокама қилинди.

Шаҳар назорат инспекциясида

МОДДИЙ ЁРДАМ ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНМОҚДА?

Тошкент шаҳар назорат инспекциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган Фармонлари ва уларнинг ижроси юзасидан қабул қилинган ҳукумат қарорларининг бажарилиши муҳокама қилинди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434—сонли қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби» тўғрисида»ги Низомнинг талаблари ўрганилган 71 та маҳаллада ёки 87 фойидада тўлиқ бажарилмаган. Шу жумладан, маҳаллаларда аризаларнинг моддий ёрдамга муҳтожлик даражаси инobatта олинмаган ҳолда моддий ёрдам миқдори белгиланган, далолатномалар тўлиқ расмийлаштирилмасдан, фуқароларнинг йиғини муҳокамасига олиб чиқилмасдан туриб моддий ёрдам тайинланган ҳолатлар мавжудлиги маълум бўлди.

Жами 549720 сўм миқдордаги маблағ нотўғри расмийлаштирилган ва тўланганлиги аниқланди.

Миробод, Сергели ва Собир Раҳимов туманларида юқоридаги директив ҳужжатларнинг бажарилиши борасидаги ҳисоботлар эшитилди. Текширув натижалари бўйича қарор қабул қилиниб тегишли чора кўриш учун туман ҳокимликларига юборилди.

Шаҳар назорат инспекцияси йиғилишида шаҳар прокуратурининг биринчи ўринбосари Б. Ҳақназаров, шаҳар молия бош бошқармасининг бошлиғи Б. Тоҳиров сўзга чиқиди.

Ҳикматилла ШУКУРОВ,

шаҳар назорат инспекциясининг бош мутахассиси.

БУГУНГИ КҮН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин 1998 йил 11-12 октябр кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасига келади.

• Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир, комиссия раиси Ўткир Султонов бошқарувида корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди.

• Олий Мажлисида Ўзбекистон парламенти раиси Эркин Халилов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Руминия парламенти ташки сибаст комиссияси раиси Георгий Присакару раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

• Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Словакия Республикаси Конституциявий суди раиси, академик Милан Чич раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида бўлиб, Словакиялик меҳмонлар Олий Мажлисга ҳам ташриф буюриб, бу ерда Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова билан учрашдилар.

• Олий Мажлисида суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар билан Ўзбекистон Оmbудсманнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ўзаро ҳамкорлиги масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Фарғонада биринчи академик лицей фаолият кўрсата бошлади. Фарғона давлат университети негизда ташкил этилган бу масканда мамлакатимиз халқ ҳужаги учун зарур кадрлар тайёрланади.

• Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «XXI аср бўсағасидаги аёл» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

• Республика матбуотида Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди.

• Навоий шаҳридаги «Шамс Навоий» тижорат-ишлаб чиқариш фирмасида музикамоқлар ишлаб чиқарадиган цех фойдаланишга топширилди. Хориж технологияси негизда ишлайдиган ушбу корхона қурилиши учун 257 минг доллар сарфланди.

• Юқориқичиқ туманидаги «Йиқ ота» ҳужагида халқаро «Енгранг» жамоарамининг соғломлаштириш ва маданий-маърифий маркази очилди.

• Жиззахдаги Абдулла Қодирий номидаги педагогика институтида «Фидойи ёшлар» клуби ўз фаолиятини бошлади.

• Республикада пахтакорларининг давлатга топширган «оқ олтин» 2 миллион тоннадан ошди.

ЖАХОНДА

• Кеча Фаластин раҳбари Ёсир Арофат Москвага келди. У Россия Федерацияси Президентини, Бош вазир ва бошқа раҳбарлар билан учрашди.

• Брюсселда НАТО кенгашининг мажлиси бўлиб ўтмоқда.

• Қирғизистон Президенти Аскар Акаев тадбиркорлар ва сармоя ажратувчиларга қулай имкониятлар яратиб бериш борасидаги қўшимча чоралар ҳақидаги Фармонга имзо чекди.

• Югославия ракета қўшинлари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари тўла жанговар тайёргарлик ҳолатига келтириб қўйилди. Бу ҳақда ҳарбий муаммолар ҳамда қуролланиш тизимлари бўйича таниқли эксперт Мирослав Лозанский мухбирларга хабар қилди.

• Белградда Югославия Президенти Слободан Милошевич билан Американинг махсус вакили Ричард Холбрук ўртасидаги музокараларда АҚШнинг Косовога НАТО ва Россиянинг тинчликни ўрнатувчи бўлиналари юбориш тўғрисидаги тақлифи муҳокама этилди. Агар Белград ана шу тақлидга рози бўлса НАТО Югославияга қарши куч қўлламайд.

• Жанубий Корея Президенти расмий ташриф билан Японияга келди. Унинг мамлакат раҳбарияти билан олиб борган музокаралари пайтида Осиёдаги иқтисодий инқирознинг сабаблари ва ундан чиқишининг йўллари, шунингдек икки томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

• Берлинда таниқли ўзбек рассоми, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ортиқали Қозоқов асарларининг кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазмага рассомнинг 20 га яқин асари қўйилган.

• Вьетнам Президенти Чан Дик Лионг расмий ташриф билан Таиландга келди. Ушбу ташрифдан қўланган мақсад икки мамлакат ўртасида дўстона ва ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишдир.

• Хитойда «Ҳосилини йиғиш» байрами ўтказилмоқда.

Обуна — 99

Ф.МТ-1

«Ўзбекистон почтаси» Давлат - Акциядорлик компанияси

АБОНЕНТЛИК газета

Тошкент

ОҚШОМИ

1999 йил учун (ойлар бўйича)

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Қаерга

(Почта индекс) (Манзилтоҳ)

Кимга

(Фамилияси, исми ва отасининг исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

п. в. Жойи

Тошкент

ОҚШОМИ

Обунанинг йиллик баҳоси

Баҳоли

сўм

Обуна сон

сўм

1999 йил учун (ойлар бўйича)

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Қаерга

(Почта индекс) (Манзилтоҳ)

Кимга

(Фамилияси, исми ва отасининг исми)



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг етти йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи улкан хизматлари, юрт истиқлолини мустаҳкамлашда қўшган муносиб ҳиссалари учун Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Ана шулар орасида «Тарх» илмий-ишлаб чиқариш ҳиссдорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Роза Балабекова ҳам бор.

Нишондорларимиз

ЮРТИМДАН ФАХРПАНАМАН



Роза опа асли Жиззахнинг Фориш қишлоғидан. Тақдирнинг тақози билан Тошкентга ўқиган келиб, шу ерда юрт иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшаётган аёллардан. Уни бир сўз билан «тадбиркор аёл» деб атасак ҳам бўлади. Кўринишдан камтарин, ҳушфёъл, оддий ўзбек аёли билан суҳбатлашганимизда у тадбиркор аёлларга хос хислатга эга эканликлари шубҳа қолмади.

— Мен учун «Дўстлик» ордени бундан етти йил аввал берилган деб ҳис қиламан, — деб сўзини бошлади Роза опа. — Чунки ҳар бир ўзбек ва Ўзбекистон учун энг буюк мукофот — бу ис-

тиқлол нашидасидир. 1991 йил 31 август оқшомини эсласам ҳамisha та-намдаги қоним бир кўз-ғалиб, юрагим ҳаприқиб кетади, севинчдан кўз ёшларим қалқийди. Мана 27 йилдан буён битта корхонада меҳнат қилиб, иш юзасидан кўп жойларда бўлишимга тўғри келди. Баъзан хорижий давлатларга чиқмоқчи бўлганимизда битта ҳужжатни юзта эшикка олиб кириб, сўнг рухсат тегса тегарди, бўлмаса йўқ. Эндичи? Энди эса ўзимиз мустақил иш юритиб, ҳақон бозорларига чиқдик. Мен шундай юртнинг фарзанди бўлганимдан фахрланаман.

Танлаган соҳам аёл киши учун жуда оғир. Ле-

кин ҳар қандай касбга меҳр қўйса унинг ҳеч қийинчилигини сезмас экансиз. Чунки корхонамизда асосан ностандарт дастгоҳларнинг ҳар қандай тури ишлаб чиқарилади. Уни конструкторлар, лойиҳачилар, ижро-чилар ҳижжалаб яратгунларича озмунча меҳнат сарф этишмайди.

Мени бу соҳада ишлашимга кўпчилик қарши бўлишган. Бирок турмуш ўртоғим, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган транспорт ходими Темур Рискуловнинг қўллаб-қувватлаши туфайли мен шу даражага етишдим.

Президентимиз Фармонига кўра мукофотланганлар орасида менинг ҳам фамилиям ўқилганда кўз олдимда фақат йиллар давомида қилинган ишлар, корхонамиздаги устозларим Борис Шкловер, Андрей Ивашенколар гавдаланиши гўё улар «Меҳнатларимиз зое кетмабди» дейишгандай бўлди. Жамият бошқаруви раиси Лазиза Акбарова, касбдошларим ва шогирдларим кўтлар экан, уларнинг ҳар бир сўзларини ўз олдимга қўйилган эзгу мақсад деб тушундим. Демокриманки, ордени фақат менга эмас, менинг оиламга, жамоамга берилган мукофот деб қабул қилдим.

Гулзода АБДУЛЛА
қизи суҳбатлашди.

Матбаа

ДЕЙДИПАРКИ ҲАЁТ — ҲАРАКАТ

Бадий адабиётда фард жанрида қалам тебратётган шoirлар бармоқ билан санарлидир. Фард жанрининг ўзига хос қийинчиликлари, икки мисрага чуқур мазмунни жойлаштиришнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Шoir ва адабиётшунос олим Набижон Қобуловнинг умр бўйи тўплаган фардларининг бир қисми «Ҳаёт сабоқлари» китобида акс этди. Ушбу китобдаги фардларда муал-фининг ҳаётий таҳрибалари ўз аксини топ-ган.

Ешлигидан илмга бўлган қизиқиши уни ўз устида мустақил ишлашга мажбур этди. 15 ёшдан газета саҳифаларида шеърлари босилган. Усмон Носир унинг шеърларига оқ йўл тилаган. Шoir ва олимнинг урта шеър-ий тўплами ҳамда бешта илмий-адабий асарлари кенг китобхоналар оmmasига яхши таниш.

Набижон Қобулов умрининг охиригача Андижон, Ўш, Наманганда XX аср бошлар-ида ижод қилган шoirлар ижодини тўп-лаб, андижонлик тараққийпарвар шoirлар монографиясини нашр эттирди. Бу мавзу-да докторлик диссертациясини ёзиб тамо-мла-да, лекин ёқлаш насиб этмади.

Шoirдан эсдалик бўлиб қолган «Ҳаёт са-боқлари» тўпламига, «Фардлар ҳақида фар-длар», одамийлик, халқ ҳақида, муҳаббат, яхшилик, бахт, ижод ҳақида, сўз, ота-она ҳақида, тарбия, ҳасад ва бошқа турли мав-зудаги фардлар ўрин олган. Шoir шундай ёзди:

Мақтамагин сен хунарингни,
Таърифласин хунаринг сени,

Дейдиларки ҳаёт-ҳаракат,
Ҳаракатда доим баракат.

Олтин сирга бўлса-да, ҳар ишга эл,
Лек яхши сўз қулоққа бебаҳо бир эб.

Китоб бўлса улуғ хазина
Саҳифалар шоҳона зина.

РАЪНОНИНГ ГУПЛАРИ

Шеърят — кўнгил рози, мусаффо тўғри. У худди тоғ чўққисидан янги-ни кўз очган булоққа ўхшайди. Шеър битмок эса улуг неъматдир.

Оллоҳ ўзи суйган бандасига истёодни қўша-қўшалаб бераркан. Иқтидорли шoirа ва истёодли актриса Раъно Ярашева ана



Шаҳримиздаги 254-мактаб-гимназиянинг олий тоифали ўқитувчиси Мактуба Мавлоновани нафақат ўз билимини балки, бутун меҳрини ҳам болаларга бахшида этиб келаётган муҳир педагоглардан бири дейиш мумкин.

Равиль Альбеков олган сурат.

Фан

САЙҚАЛ ТОПГАН ЖИҲОЗЛАР

Ушбу кафедра бу йил тўртинчи навбат битирувчиларга йўлланма берди. Ёш дизайнчи муҳандисларнинг диплом ишлари ҳам давлат имтиҳон комиссияси томонидан яхши баҳоланди.

— Кувончи томони шундаки, — дейди комиссия раиси Н. Терентьева, — Бу лойиҳаларнинг аксарияти бевосита ишлаб чиқаришга тавсия қилинди. Ёшлар бажарган диплом ишлари орасида даволаш косметик воситалар учун ишлатиладиган пласт-масса идишлари намуналари ҳам бор.

Бир гуруҳ ёш ижодкорлар тайёрлаган

диплом лойиҳаси асосида мустаҳкам ва кўр-кам пластмасса маҳсулотларини тайёрлаш-нинг қулай усуллари ўз ифодасини топди. Битирувчи У. Салимов тақдим этган диплом иши «Баколатта эга бўлган автомобиллар» деб номланди. Унда энг яхши транспорт воситалари нусхаларига доир лойиҳалар кел-тирилди. У энг яхши лойиҳа сифатида ба-ҳоланди ва унинг муаллифи олий ўқу юрти аспирантурасига ўқишга тавсия қилинди.

«Болалар боғчалари ўйин бурчаги» деган диплом иши ҳам ишлаб чиқаришда қўлла-надиган бўлди. Шарқ усулида идишлар

тайёрлаш дизайни бўйича олиб борилган бу техника ижодкорлиги эса Ўзбекистон Давлат патент идораси эътиборига ҳаво-ла этилди.

Саҳна безаклари дизайни намуналари лойиҳаси постановкаларни саҳнага олиб чиқишда қулайлик яратди. Болакайлар учун мўлжалланган ўйинчоқ китобларнинг дизайн усуллари ҳам кўпчилик эътибори-ни ўзига тортиди.

Кафедрада ҳимоя қилинган диплом лойиҳалари саноат дизайнини ривожлан-тириш имконини беради. Бу эса мамла-катимизда саноат дизайни маҳсулотларини кўп-лаб ишлаб чиқариш учун мустаҳкам ил-мий-техникавий замин ҳозирлайди.

Акбар АЛИЕВ.

Обуна — 99

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» — СИЗНИНГ ЯҚИН ҲАМРОҲИНГИЗ



«Тошкент оқшомини» газетасининг сadoқатли дўстлари ва қадрли мушаррийлари!

1999 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда. Биноба-рин агар сиз:

— шахримизда, мамлакатимизда ва жаҳонда юз бе-раётган энг сўнги янгиликлардан бохабар бўлай десан-гиз;

— пойтахтимиз ҳаётининг турли жабҳаларида, яъни ик-тисодиётда, соғлиқни сақлаш соҳасида, капитал қурили-шида, ижтимоий соҳада, маданий ҳаётда, халқ таълими соҳасида ва бошқа қўлгина соҳаларда юз бераётган ўз-гаришлар ҳақидаги ахборотларни билай десангиз;

— ҳуқуқшунос, руҳшунос, педагог, боғбон ёки косме-тологнинг малакали маслаҳатини олай десангиз;

— дам олиш онларингизда туришда сабоқ бўладиган вoқeалардан ўқиб ўзимга хулоас чиқарай десангиз;

— ҳафталик «Ойнаи жаҳон» дастурига эга бўлай де-сангиз

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА
БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, «Тошкент оқшомини» газе-таси чакана савдога жуда ҳам чекланган миқдорда чиқа-рилади, шу боисдан бир ой дейишми, бир чоракками,

ярим йилгача ёки бир йилгача обуна бўлсангиз шаҳар ҳаётига оид бўлган ҳамма керакли, зарур ва фойдали ахборотлардан ўз вақтида хабардор бўласиз.

Яна шу нарсага эътиборингизни қаратмоқчимиз: **кел-гуси йил учун «Оқшом» газеталарига обуна тартиби бир мунча ўзгарди. Энди яқка тарздаги обуначилар ва идоралар учун обуна алоҳида тарзда расмийлаш-тирилди.**

Энди «Тошкент оқшомини» газетасининг (фақат Тошкент шаҳри аҳолиси учун) 1999 йил учун обуна нархлари би-лан танишинг:

— Яқка обуначилар учун — индекс — 209

Уй	Абонент
манзилига	кутисига
• 1 ойга — 196 сўм	172 сўм
• 3 ойга — 588 сўм	516 сўм
• 6 ойга — 1176 сўм	1032 сўм
• 1 йилга — 2352 сўм	2064 сўм

— Идоравий обуначилар (фирмалар, корхоналар ва ташкилотлар) учун — индекс — 563

Уй	Абонент
манзилига	кутисига
• 1 ойга — 349 сўм	305 сўм
• 3 ойга — 1047 сўм	915 сўм
• 6 ойга — 2094 сўм	1830 сўм
• 1 йилга — 4188 сўм	3660 сўм

Обунани расмийлаштириш учун маълумотларни 133-67-71 (ёпиқ турдаги «Матбуот тарқатиш маркази» акция-дорлик жамияти) ва 133-29-70 (тахририят) телефонлари орқали олишингиз мумкин.

Пойтахт аҳолиси учун обуна барча алоқа бўлимларида рас-мийлаштирилади. «Тошкент оқшомини» ва «Вечерний Ташкент» газеталари бутун республика бўйича ҳам тарқатилади. Тош-кентнинг «Оқшом» газеталарига обуна қондалари ва обуна нарининг республика шаҳарлари, қўрғонлари ва вилоятлари-нинг аҳолиси ўзлари истикомат қиладиган жойдаги ёпиқ тур-даги «Матбуот тарқатиш маркази» акциядорлик жамиятининг бўлимларидан билиб олишлари мумкин.

Шундай қилиб, азиз дўстлар, ўзингиз севган ва қадрлаган «Тошкент оқшомини» газетасига обуна бў-лишга шoшилинг!

Шу катта бахт
инини таниган.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим-тарбия ва илм» қилинган Республика ҳукумати» қарорининг Юнусобод тумани ўқув йилида бажарилиши ўрганиб чиқи.

Юқоридаги қабул қилин-ган Фармон ва қарорлар-нинг ижросини амалга оши-риш мақсадида Юнусобод тумани ҳокимининг «Юнусо-бод туманида академик ли-цейлар ва касб-хунар кол-лежларини ташкил этиш ва уларни фаоллаштириш тўғ-рисида»-ги қарори қабул қи-линган, ammo бу борада бир қатор амалий ишлар олиб борилганига қарамас-дан, кадрлар тайёрлашга

ка лицейига илмий, п. тар-гик ва услубий томондаида дам кўрсатиш мажбурият-ка ни олган бўлса-да, ҳoзи-ки кунгача бу мажбурият бажа-рилмаган.

Юқоридаги барча касб-ху-нар лицейларида ўқитувчи пе-дагогларнинг штат жадалви бўйича асосий ишловчилари-нинг сони, ўриндош ва соат-бай ишловчи мураббий хо-димларга нисбатан oзили-кни ташкил этади.

Назорат

ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

бўлган талаб ва таклифни ўрганиш ишларини ташкил этиш борасида айрим кам-чиликларга йўл қўйилган.

Айрим ўқитувчилар ўз мутахассислигига доир бўл-маган фанлардан дарс бе-рганлар. Жумладан, «Ўзбек-турк меҳмонхона ҳўжалиги ва туризм» лицейида Ўзбе-кистон тарихи фанидан дарс бериш учун табиий-география мутахассиси бўлган ўқитувчи жалб этил-ган, шунингдек ўзбек тили ва адабиёти фанидан му-тахассислик даражасига ет-маган 2 та ёш IV-курс та-лабаси, уч ой давомида да-рс бериб келганлар.

1-бизнес мактабида ўқи-тувчи К. Юнусов ўз касби мутахассислигига тўғри келмайдиган иқтисодиёт фани бўйича ҳамда умумий тарих, инсон ва жамият фанларидан таълим бе-раётгани аниқланди. Бундай ҳолат Тошкент радиотехни-ка лицейи ўқитувчиси Т. Авакoвада ҳам такрорлан-ган. У индустриал педаго-гика техникумининг тикув-чилик ишлаб чиқариш тех-нологияси мутахассиси бў-ла туриб, Ўзбекистон тари-хи фанидан 370 соат дарс берган. Аваковани ишга қа-бул қилишда лицей маъму-риятининг қаршилигига қа-рамасдан шаҳар халқ таълими услубий ишлар бў-лими ходими расмий ҳўж-жатни имзолаган. Худди шунингдек, лицейнинг иш-лаб чиқариш устахонаси ўқитувчиси ҳам умумий та-рих фанидан 215 соат дарс берган.

Радиотехника лицейида таълим-тарбия ишларини яхшилаш ва мутахассислар-ни ишга жойлаштириш бўйича 3 та икки томонла-ма шартнома тузилган, яъни «Зенит» очик турдаги ҳиссасдорлик жамияти ли-цейини тамомлаган кадрлар-ни мутахассислик бўйича ишга жойлаштириш мажбу-риятини олган бўлса ҳам, битта ҳам мутахассисни ишга жойлаштирмаган. Худди шунингдек «Зангори экран» корхонаси билан ту-зилган шартнома ҳам охи-рига етказилмаган. Тошке-ий электротехника алоқа институти эса радиотехни-

Таълим-тарбия ва кадр-лар тайёрлаш тизимини туб-дан ислох қилиш ва барка-мол авлодни воғга етказиш тўғрисидаги фармоннинг бажарилиши туман халқ таълими бўлимида ўрганил-ди, ўтган ўқув йилида халқ таълимига қарашли бўлган 45 та мактаб директорлари-дан биттиси синовдан ўтка-зилмаган, бештаси эса ша-ртли равишда вазифасида қолдирилган.

Юқоридаги аниқланган камчиликларнинг кўпчили-гининг асосида лицей ҳамда коллежларда таълим-тарбия бериш учун шу соҳа мута-хассисларининг етиштима-ганлиги ётади. Лицей, кол-лежларда дарс бераётган ходимларнинг 30-40 фоизи соатбай ва ўриндош ўқиту-вчилардир. Кўриниб турибди-ки, бу аҳволда дарс бериш мумкин эмас, таълим бериш ва тарбиялаш ишлари оқсаб қолиши, талаб даражасида бўлмаслиги турган гап. Тар-бия ва таълим беришда уш-бу ўриндош ва соатбай ўқи-тувчилар масъулият сез-майдилар, дарс бериб қў-шимча маош оладилар хо-лос.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Республика Пре-зидентининг «Таълим-тар-бия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қи-лиш, баркамол авлодни воғ-га етказиш тўғрисида»-ги Фармонини қундалик ҳаёт-га тадбиқ этиш бўйича масъул муассасалар, рес-публика Олий ва ўрта мах-сус таълим вазирлиги ҳам-да Халқ таълими вазирлиги томонидан чoра-тадбирлар ва амалий ишлар пойтахт туманларидаги ўқитиш муассасаларида лoзим да-ражада амалга оширилма-ган экан, узoқ вилоят мак-таб ва институтларида қан-дай бўлиши мумкин? Бу ма-сала чуқур ўрганилиб, тах-лил қилиб чиқилса ва те-гишли ўқув масканларига ёрдам кўрсатилса нур усти-га аъло нур бўлар эди.

Дилдора МИРЗАУЛҒОВА,
Юнусобод тумани
назорат инспекциясининг
бош мутахассиси.
Хасан МАТЕКУБОВ,
пенсционер.

Бека

МАСПАҲАТЛАР

• Тухумни музлатгич-дан керак миқдорда оли-нг, қайта-қайта олиниб қўйилган тухумнинг сифа-ти бузилади. Шўрвага со-линмаган тухумни озги-на совуқ судда ййлаб, кейин солсангиз, шўрва-нинг ранги хира торт-майди.

• Қотиб қолган пиш-лоқни бироз вақт сутта солиб қўйсангиз, у анча юмшайди.

• Картошка қайнат-сангиз сувини тўкиб юборманг. Унинг тарки-бида фойдали моддалар жуда кўп. Шўрвали таом-ларда тайёрлаётганингизда бу суюқликни қўшиб юборишингиз мумкин.

• Агар балиқ қовур-моқчи бўлсангиз, тоза-ланган хом картошка бў-лакларини товага ташлаб қўйсангиз хонадонингиз балиқ ҳидига тўлмайди.

Гулноза АСХАТОВА
тайёрлади.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонемента касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт. Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштириг-анингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштириганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоида-ларга риоя қилиб тўлдириг.



**Шафтоли ра-
из боланинг
изариб пиша-
Аяжонимлар
хмон бўлиб,
из Умиджон ва
ар билан келди-
овлимиз тўлиб, ба-
из тўлиб, гурунглашиб
ирган эдик, шафтоли тўп
иб ўтирган сўримиз чети-
тушди.**

Мен дарров олиб: «Аяжон, на-
сиба, қаранг ёнгинангизга туш-
ди, биринчи пишиб тушган шаф-
толи, сизнинг келганингизга да-
рахт мевалари ҳам салом бер-
моқда», дедим. Умиддахон қизим:
«Аяжон, шафтолини бир силки-
тай, пишганлари яна тушади.
Ҳаммамиз баҳам кўрамыз», —
деб ўрнидан тураётган эди,
онам: «Кизгинам, асал-қандим,
бўйларингдан ўргилай, худо раҳ-
мат қилгур кўевим Жалолиддин-
га бу даракларнинг ҳосилини
ейиш насиб этмади. Ажойиб кў-
ли гул йигит эдилар. Эрталаб
яна ўзи пишиб етилгани туша-
ди. Мен Қуръон тиловат қилиб,
уларнинг руҳини шод этаман, сў-
нгра ҳаммамиз танавул қиламиз»
деб, бир донна шафтолини хон-
тахта тағига қўйиб қўйдилар.

Умиджон ва Давронбекларни-
нг Жалолиддин жуда кўнглини
олар эдилар, келганда тансиқ
таомлар билан сийлаб туришни
сенга тайинлар эдилар, раҳмат-
ли. Ҳа, бу болаларнинг қамол-
лини адаси кўрмадилар. Раҳматли
иккинчи кўевим Абдурахим ҳам
ажойиб, камтар йигит эди, «От-
лар босмаган йўлни тоилар бос-
син», деб кўзларига ёш олдилар.
Биз ҳаммамиз бироз ғамгин бў-
либ қолдик. Аяжоним бизнинг
кўнглимизни кўтариш учун бола-
ларим қани, Умиддахон қизимни
қўл-қўзи дард кўрмасин, жуда
ширин чўзма лағмон тайёрлаб-

ди, қани ширинтойлар, бир еб кў-
райлик-а, деб болаларни чалги-
тишга ҳаракат қилдилар.

Аяжоним бизкига келсалар ҳам-
ма қўшниларимиз «Отин бувижон
келибдилар, бир суҳбатларини
олайлик» деб чиқиб келишар, тан-
сиқ таомлар билан аяжонимнинг
кўнглиларини хурсанд қилишар
эди. Аяжоним «Қизим, кўни-қўш-
ниларинг жуда яхши-да, сенинг
ёлғиз қизинг билан хувиллаган

нд бўлгунча уларнинг ҳолидан ха-
бардор бўлиш кераклигини ҳам-
ма ўғил-қизларга тайинлар эди-
лар. Гоҳида раҳматли аяжоним-
ларнинг меҳрларини кўмсаб, дуо-
лар ила турган қалин дафтарла-
рини варақлаб кўзимда ёш билан
ўқийман. Фариштадек инсон қал-
би ва юзи тоза бўлишни, биров-
нинг ҳақиқа хиёнат қилмаслики,
бировга оғир гап билан озор бе-
риш яхши инсонга хос эмаслиги-

илмли қилиб тарбияласанг, у ор-
қали роҳат-фароғатни кўрасан.
Отасининг руҳи фарзандингни
қўллади, болам», деб насиҳат
қилар эдилар. Мен аяжоним се-
виб тановул қиладиган мева-че-
валарни пишган пайтида олдини
у кишига илинишни одат қилган
эдим. Аяжоним бу меваларни эк-
кан кишини дуо қилиб, бошқа-
лар билан баҳам кўрар эдилар.
Аяжонимнинг мен биргина хис-
латларини эсимга олдим. Бундай
инсонларни, оналарни эслаб, хур-
матларини ўрнига қўйиш фарза-
ндлар бурчидир. Гоҳ-гоҳида: Бе-
гойим, ўргилай сендан, акангдан
дарак бўлмапти, бир кўнғироқ
қилиб кўрайлик, агар тушликка
келса, иккаламиз бир чиройли
лаззатли ош қиламиз. Умиджон,
Давронбеклар ҳам ўқишдан ке-
либ қолишади. Ўғил болалар-да,
ошни яхши кўришади», деб ош-
хона томон кетар эдилар.

«Сингилларининг фарзандла-
ри ёш, ўралашиб қолишган, шу-
нинг учун ҳам тезгина келиб бир
пиёла чой ичиб кетиб қолишади.
Майли, омон бўлишсин», деб ку-
либ кўяр эдилар.

Аяжонимларнинг ибрат қилиб
гапирса бўладиган яхши одатла-
ри бор эди. Ҳеч қачон ака-ука-
ларни, опа-сингилларни бир-би-
рига кўнғил қоладиган гаплар бил-
ан ёмонламамас эдилар.

Аяжонимлар нозик табиатли,
ораста, меҳмондўст аёл бўлган-
ликлари учун ҳам 5 қизлари ўз-
лари каби тотув ҳаёт кечириб
келмоқдалар.

Ёшларимиз ғанимат билиб
меҳрибонлари — ота-оналари,
жигаргўшаларини тез-тез йўқлаб
туришлари инсоний бурчдир.
Чунки оналар меҳр-муҳаббати,
оталар дуоси умрингизнинг ҳало-
вати мазмундир.

Азизахон ЗАЙНУТДИНОВА,
профессор.

Танлов
ҳомийси — **Besh-Yogoch**
фирмаси.

Ривоятлар

ПАЗЗАТ

Бир киши туясини йўқотиб қўйибди ва кимки туямни
топиб келса, унга иккита туя ҳадя қиламан, деб жар сол-
дирибди. Шунда дўстларидан бири сўрабди:

— Бу қанақаси бўлди, фойдангдан зараринг катта-ку?
— Э, биродар, асти сўрама. Сизлар йўқотган нарсани-
нг топилаганидан оладиган ажойиб лаззатини билмайсиз-
лар-да! — жавоб берибди қаллиги киши.

МЕҲМОН «НАСИҲАТИ»

Бир ҳазилкаш ўртоғининг уйига меҳмон бўлиб бориб-
ди. Уч кун ўтса ҳам уйига қайтай демабди. Меҳмон жаҳли
чиқиб хотинига:

— Бу безбет қачон кетаркин, бир иложини топсангчи?
— дебди.

Хотин бироз ўйлиниб турибди-да, сўнгра меҳмоннинг
олдига кириб:

— Меҳмон, хуш келибсиз! Энди уч кундан бери ризқин-
гизни бизникидан берган худойим эртага бошқа хонадон-
дан берар. Кетишингиздан олдин эрини чакрай, унга
уч-тўрт оғиз панд-насиҳат қилиб кетинг, менга кўп жабру
жафо қилади, — дебди.

Шу онда аёлнинг эри эшикдан кириб келибди. Меҳмон
эса унга қараб бамайлихотир:

— Эй, дўстим, сенга насиҳатим шуки, худойи тооло
қирк кунлик ризқимни сенинг дастурхонингга сочган экан-
ми, мен кетгунча хотинингга ҳаргиз озор берма! — дебди.

ЗҲР МУНАЖЖИМЛАР

— Онам иккаламиз жуда билимдон мунажжим бўламиз,
— дебди қадимда бир дангаса ўртоқларига, — чунки биз-
нинг фолимиз ҳамиша тўғри чиқади.

— Бунга бирорта асосинг борми? — сўрашибди ундан.

— Албатта бор-да, — дебди у мактабни, — агар осмон-
ни булут қопласа мен «Ёмғир ёғади» дейман, онам эса
«Йўқ, ёғмайди» дейди. Уша кўни ёмғир ё ёғади, ё йўқ,
Демак, иккаламиздан биримизнинг гапимиз тўғри чиқади.

«ЎЛМАЙ ҚОЛСАНГ-ЧИ»

Жуда хунук аёл бетоб бўлиб қолибди ва тепасида ўтир-
ган эридан йиғламсираб сўрабди:

— Ўлиб қолсам сиз нима қиласиз-а?

Эри эса:

— Ўлмай қолсанг-чи, унда нима қиламан, — дебди йи-
лаб.

Дилноза ФИЕС қизи тайёрлади.


Турфа олам

ЭБОЛА БЕЗГАГИ
БЕДАВОМИ?

Ўтмишда вабо, ўлат, тер-
лама каби касалликлар минг-
лаб, миллионлаб одамларни-
нг ўлимига сабаб бўлар эди.
Лекин тиббиёт бу касаллик-
лар билан курашиб, вакцина-
лар чиқариб, уларни енгишга
муваффақ бўлди. Аммо кейин-
ги пайтларда бутунлай янги
юқумли касалликлар келиб чи-
қиб, уларга ҳеч қандай даво-
лаш усуллари ёрдам бермап-
ти. Шулардан энг хатарлиси —
тропик эбола безгагидир.
1967 йили Марбургдаги (Гер-
мания) «Беринг-Верна» фир-
масининг лаборанти Ф. Кла-
ус номаълум касаллик белги-
си билан касалхонага ётқи-
зилди ва 10 кундан кейин у
вафот этди. Ўлик ёриб қўрил-
ганда, унинг ички аъзолари
ёмирилиб йўқ бўлиб кетган-
лиги маълум бўлди. Улимидан
олдин Ф. Клаус Угандадан ўзи
келтирган кўк макака майму-
нининг бош миясини очган
эди. Унинг танасидан янги, ҳа-
ли жаҳонда номаълум вирус
топилиди. 1976 йили Зоир ва
Суданда озгина вақт ичида
300 дан ошқ киши эбола ка-

саллиги туфайли ҳаётдан кўз
юмди. Зоир давлатининг Ям-
кумбу шаҳрининг ёнидан оқиб
ўтадиган кичик дарёнинг но-
ми Эбола, шунинг учун бу ян-
ги касалликка эбола безгаги
деб ном берилди. 1987 йили
дананиялқ успирич бола Кения
ва Уганда чегарасида
жойлашган Китум горига ки-
риб чиққандан кейин, госпи-
талда бир ҳафта ётиб, ўлди.
Шу горни текширмоқчи бўлиб
кирган француз таджикотчиси
Шарль Моне ҳам 10 кундан
кейин вафот этди. Буларни
эбола вируси ўлдирган эди.
Одамларнинг фикрича Китум
горига миллионлаб йиллар
олдин ҳозирги маймуларни-
нг аждодлари яшаган деб фа-
раз қилинмоқда. Уларнинг
фойкарича СПИД ҳам шу
жойлардан тарқалган бўлиши
ҳам мумкин. Ҳозир эбола ка-
саллигининг қаердан келиб
чиққанлигини аниқлаш ва у-
га қарши дори-дармонлар
ишлаб чиқишга катта ҳаракат-
лар кетаётган бўлса-да, на-
тижалар қониқарли эмас.

Илҳом ШЕРМУХАМЕДОВ.



Қувончдан яйрайди гулгун чехралар.

Равиль Альбеков олган суратли лавҳа.

Қаҳқаҳа

ИСБОТ

Икки кекса дўхтирлар учрашиб қолиш-
ди. Улардан бири ўз беморининг барча
текширишлар натижасига кўра аллақа-
чон ўлган бўлиши кераклигини, бироқ у
ҳалиям тириклигини, бунинг устига яна
кўп йиллар яшамоқчи эканлигини айтиб
берди.

— Бу, — деди иккинчи дўхтир, — агар
касал ҳақиқатан ҳам яшаш иштиёқида
бўлса, тиббиёт охирик қилишини яна
бир карра исботлайди.

ҚАНДАЙ КУЙНИ
ЭШИТАСИЗ?

— Ҳурматли нотариус ходимлари, ва-
сиятномаминг охирига тобутимни кў-
таришадиганда оркестр чалиб турили-
ши шартлигини қўшиб қўйсангиз.

— Ҳўп бўлади, жаноб. Фақат айтинг,
қанақа куйни эшитмоқчисиз?

СОҚОЛДОР БЕМОРЛАР

Бир тиш дўхтири мухбирлар билан ўз
фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан,



— Яккаю ёлғизимизнинг бахти учун олайлик.



— Ё тавба, тиши қолиб жағини ўзиб олди-я...
Собир Холбеков чизган суратлар.

Бош муҳаррир уринбосари Сопиҳ ЁКУБОВ



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Шаҳарлараро ва халқаро алоқа
хизматларидан фойдаланувчи
АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

1998 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси абонентлари учун «375»
халқаро коди бўйича Беларусь Республикасига чиқиш йўли очилди.

ИУНАЛИШ НОМИ	РАҚАМ ТЕРИШНИНГ МАВЖУД ТАРТИБИ	РАҚАМ ТЕРИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ
— Минск	8+017+XXXXXX	8+10+375+XXXXXX
— Минск вилоятининг туман маркази	8+017+avXXXXX ав — туман марказининг коди	8+10+375+17+avXXXXX
Масалан:		
— Борисов	8+017+77XXXXX	8+10+375+17+77XXXXX
— Брест	8+016+2XXXXXX	8+10+375+16+2XXXXXX
— Брест вилоятининг туман маркази	8+016+avXXXXX	8+10+375+16+avXXXXX
Масалан:		
— Ивანова	8+016+52XXXXX	8+10+375+16+52XXXXX
— Витебск	8+021+2XXXXXX	8+10+375+21+2XXXXXX
— Витебск вилоятининг туман маркази	8+021+avXXXXX	8+10+375+21+avXXXXX
Масалан:		
— Браслав	8+021+53XXXXX	8+10+375+21+53XXXXX
— Гомель	8+023+2XXXXXX	8+10+375+23+2XXXXXX
— Гомель вилоятининг туман маркази	8+023+avXXXXX	8+10+375+23+avXXXXX
Масалан:		
— Брагин	8+023+44XXXXX	8+10+375+23+44XXXXX
— Гродно	8+015+2XXXXXX	8+10+375+15+2XXXXXX
— Гродно вилоятининг туман маркази	8+015+avXXXXX	8+10+375+15+avXXXXX
Масалан:		
— Вороново	8+015+94XXXXX	8+10+375+15+94XXXXX
— Могилёв	8+022+2XXXXXX	8+10+375+22+2XXXXXX
— Могилёв вилоятининг туман маркази	8+022+avXXXXX	8+10+375+22+avXXXXX
Масалан:		
— Бихов	8+022+31XXXXX	8+10+375+22+31XXXXX

Мавжуд тартибдан параллел равишда фойдаланиш 1999 йилнинг 1 январига
сакланиб қолади.
Беларусь Республикасининг мобил тармоғига чиқиш тартиби:
Мавжуд: 8+029+XXXXXX
Янгиси: 8+10+375+29+XXXXXX

Очик турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i»
акциядорлик жамияти.

ҚУТААЙМИЗИ

Қарий 30 йилдан ортқик вақтдан бунён оддий автобус ҳайдовчиси бўлиб
ишлаётган Қобилжон Умаров ўз меҳнат фаолиятини халқ таълими тизимига
бағишлади. У халқ таълими тизимидоги туб ўзгаришларнинг гувоҳиона бўлиб
қолмай, балки унинг фаол қатнашчиси ҳамдир.

Қобилжон Қаюмович ўзининг беш нафар ўғлини халқ педагогалари ўқитлари
асосида ўқитиб ва ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятни ишда бой тажриба
тўлади. Бугунги кунда унинг фарзандлари мустақил ҳаётда ўзларининг муносиб
ўрнларини топишди, оилада меҳрибон ота, ишончли хўрамага сазовор
ҳодимлар. Фарзандлари Қобилжон акага чуқур меҳр-эҳтиром билан
қарайдилар. Улар Қобилжон акани нафақат ота сифатида, балки доно
маслаҳатчи ва меҳрибон дўст деб биладилар.

Қобилжон Қаюмович ўзини бахтли инсонман деб ҳисоблайди ва ўз касби,
ўғиллари, келинлари, неваралари билан фахрланади. Уларнинг набиралари 12
нафарга етди. Қобилжон ака ўз оиласида, маҳалласида хўрама-эҳтиром билан
сазовор инсондир.

1998 йилнинг 10 октябрыда Қобилжон Қаюмович кутлуғ 60 ёшга тўлайди ва
унинг республика таълим тизимидоги иш фаолиятига 30 йил бўлади. Азиз
Қобилжон Қаюмович, биз Сизга мустақам соғлиқ, узоқ умр ва тугалмас куч-
қувват тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, бир гуруҳ ўртоқларингиз.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни,
хусусий эълонлар ва хусусий
бизнес бўйича эълонларни,
шунингдек таъзияларни,
таваллуд кунлари, тўйлар,
юбилейлар муносабати билан
қутловларни, никоҳ эълонлари
ва шунга ўхшаш эълонларни ўз
саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан
ташқари ҳар куни соат 9.00 дан
17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон:
133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР
КУЧАСИ,
32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ
АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Кабель иншоотларини таъмирлаш
бўйича режадаги профилактика
ишлари бажарилиши муносабати
билан

1998 йилнинг 12 октябрыдан
22 октябрга

Сергели — 3 даҳасидаги 1-уйдан 33-
рақамли уйгача бўлган манзилда
яшовчи, ярмарка ҳудудидаги 57/58-
АТС абонентларида вақтинчалик
алоқа бўлмади.

Очик турдаги «Toshkent shahar
telefon tarmog'i»
акциядорлик жамияти.

Собир Раҳимов туманидаги «Саҳиҳ —
Дин» хусусий фирмаси

ТУГАТИЛАДИ

Этирозлар эълон чиққан кундан бош-
лаб бир ой мобайнида Шайхонтоҳур ту-
манининг Белтепа даҳаси, 11-уй, 162-
хонадонда қабул қилинади.

Наби Фаниев номли Тошкент ки-
нотехникуми жамоаси «Ўзбекино»
Давлат акционерлик компанияси
Бошқармасининг бошлиғи
Анвархўжа Бўрихўжаевич
Ёкубохўжаевга оналари

ЗАКИЯ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур
таъзия изҳор этади.

30 «Шадд
есериал. **Арнинг сиимо-
каттарок бахт**

20 «Пляж»
10 (АҚШ).
10 «Майк
«Актив». Се
20 «Тунги
25 «Клип-сю
45 «Ошиқона». М
30 «Хафта фильми». 10 асарла
15 Телесериал.
30 «Бойўғлига навбат».

0, 13.50, 18.00, 21.00, 01.50

10 «ГВ-хамкор», «Метеохабар».
 15 «Болалар канали».
 20 «Киноэртақлар».
 20 «Лэсси». Болалар учун се-
 л.
 20 «Тушки кино».
 20 Дам олиш куни детекти-
 «Экстрадиция». Телесериал
 ыша).
 20 «Хинд киноси».
 15 «Шоу соати».
 20 «Пляж». Саргузашт сери-

10 «Жаҳон ринги юлдузлари
да». Спорт дастури.

5 «Клип-сюрприз».

5 «Висол». Мусликий дастур.

5 Мунажжимлар башорати.

0, 23.15 «30-каналда шан-
с-шооқшоми».

0 «М. Э. Ш. госпиталидаги
огорик хизмат». Ҳажвий се-
л (АҚШ).

ЯКШАНБА, 18

Хужжатли кино.

13.50 18.00 21.00 01.55

0 «Киноэртактлар».

- 0 «Уйинчоқлар уйи». Компь- уйинлари ҳаваскорлари дастур.
- 0 «Тушки кино».
- 0 Дам олиш куни детекти- «Экстрадиция». Телесериал.
- 0 «Хали намойиш этилмаган мьера».
- 0 «Мусқаймок». Муסיкий- олиш дастури.
- 5 «Шоу соати».
- 0 «Муסיкий дастур».

0 «Махфий ҳужжатлар». Се-

0 «Юлдузлар ёғилганда»
 5 «Клип-сюрприз».
 5 «Висол». Мусликий дастур.
 5 Мунажжимлар башорати.
 0, 23.15 — «30-канал»да я-
 ба кинооқшоми.
 5 «М. Э. Ш. госпиталидаги
 офрик хизмат». Ҳажвий сел-
 5 Юрий Шевчук ва «ЛДТ»

5 Тунги кинозал. «Қизил

ШАНБА. 17

Евгений Лазарев «Бўри изи аб» саргузашт фильмида.
Мультфильм.
«Рухоний сўзи».
13.50, 01.25 — Янгиликлар.
«Хонаки кутубхона».
Вячеслав Зайцев «Ака-ука товлар чордаги» дастурда

5 «Каламбур». Ҳажвий жур-

Никита Михалков. «Рус жи-
си оҳанглари».
«Аралаш-куралаш» журна-
ти қувноқ воқеалар.
Евгений Весник ва Екате-
рина Васильева Александр Га-
нин «Сизин Таймир
давати» комедијисида.
Лев Николаев «Цивилиза-
цистлар».
«Хайвонот оламида».

5 «Кумушранг серия». Жан

ва Луи де Фюнес «Фан-
с куртурди» фильмида.
Футбол. Россия чемпиони.
«Бедо» — «МАСК», Танаффу
да (18.52) — Янгилıklar.
«Время».
«Махфий хужжатлар», Се-
б «1998 йил қўшиқлари».
Биринчи канал коллекция-
Соб Фоссинг «Жамки бу
афсонавий фильми.

Евгений Леонов

Мультифильм.
15.35, 16.00 — «Дисней-клуб».
13.55, 23.10 — Янгилликлар.
Дм. Криловнинг «Йулда
маган қайдлари».
«Хамма уйддагида».
«Тонг юлдузи».
«Армия духони».
«Янгра, гармон!».
«Деҳхон ахборотномалари».
«Қутқоқ қоронғиликнинг бағи».

0 «Кулги панорамаси».

Мультифилм.
10 «Кулги панорамаси»
таътувни Е. Петросин олиб
ди.
5 «Саёхатчилар клуби»
1 Леонид Якубович «Тарих
и асари» телеушунинда.
5 «Александр Галич васия-
фильм премьераси.
«КВН-98». Ярим финал.
«Киноафиша».
«Время».
Ким Бейсингер ва Денни
«Лос-Анжелес сирлари»
кинофили.

—

Нашрни етказиб бериш
касалалари буйича турар
жойлардаги почта
булимларига еки «Тош-
кент почтаси»га 133-74-05
телефонига мурожаат

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душалба, горшанба
ва ҳафта
кунлари чиқади.
Нашр қилувчи
209

Нашрий етказиб
масалалари бўйича
жойлардаги по
бўлимларига ёки
«Тошкент почтаси»га 13
телефонига муро
қилишингиз му

Бякатдан ўтиш тартиби: №10. ♦ Буюртма Г-0402. ♦ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ♦ Қоғоз бичими А2 ♦ Шарқ нашриёт матбаа-кондёрни босмаханаси. Корхона манзили «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. ♦ Босмага топшириш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6.